
#Жараён: Тиғиз палла

“Норйўлдош” фермер хўжалигидаги дала шийпонида туманимиздаги пахта ҳосили етиштираётган фермерлар жам бўлди. Сабаби Бағдод тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Ғанижон Солиев, туман прокурори, 2-сектор раҳбари Акмалжон Хасанов, туман ИИБ бошлиғи, 3-сектор раҳбари Фахриддин Ҳайитовлар долзарб масала, далаларда ғўза парвариши жараёнларини бориши юзасидан суҳбатлашишди.

Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда ғўза парваришидаги агротехника жараёнлари, ғўзани бегона ўтлардан тозалаш, биомахсулотлардан фойдаланиб ғўза зараркунандаларига қарши курашиш каби амалга оширилиши лозим бўлган ишларни жадаллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

ММТП раҳбарларига керакли кўрсатмалар берилиб фермерларнинг муаммо ва таклифлари ҳам тингланди.

https://t.me/bagdodim_news

2024-07-19 10:20:30